

Худудларда йирик солиқ тўловчиларни инвестицион тизимни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва чора тадбирлари.

Тоҳиров Шухрат Ниёз ўғли
Ўз.Рес. Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги
Фискал инситути доктранти

ABSTRACT

Солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш; Худудларда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

ARTICLE INFO

Received: 1st March 2022

Revised: 1st April 2022

Accepted: 10th May 2022

KEY WORDS: солиқ, инвестор, молия, бюджет, йирик солиқ тўловчилар, ташқи савдо, пай ва венчур фондлари, капитал бозори, бизнес форумлар .

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатга сармоя киритмоқчи бўлган хорижлик инвесторларга ҳар томонлама қулай имкониятлар яратмоқда.

Таъкидлаш лозимки, худудларда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодий либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, худудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш ислохотлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, инвесторлар билан ишлашда, айниқса жойларда, инвесторларнинг ташаббуслари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмаслиги, бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳали ҳам мавжудлиги қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига тўсиқлик қилмоқда.

Худудларда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида

инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ишлаб чиқилди¹. Ва қуйидаги енгилликлар киритилди:

кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узок муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) куриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш.

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 30 фоиздан 15 фоизгача камайтириш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдорини 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача камайтириш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорини уч бараварга камайтириш;

акциядорлик жамиятлари устав фондининг энг кам миқдорини 400 миллион сўм миқдорида белгилаш.

Мамлакатимизда инвестиция иқлимини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш, бизнесни жадал ривожлантириш учун асос сифатида инвестиция ва ташқи савдо фаолиятини самарали тартибга солиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, инвестиция жараёнининг маҳсулотни ташқи бозорларда илгари суриш якуний кўрсаткичлари билан сушт боғланганлиги сақланиб қолмоқда. Давлат бошқарувининг амалдаги тизими инвестиция ва савдо масалаларини алоҳида тартибга солишга асосланган, бу эса мазкур соҳаларда ташкилий-ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Республиканинг инвестиция салоҳиятини ошириш, иқтисодийнинг устувор соҳа ва тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция киритиш жараёнининг рақобатбардош экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2019 йилнинг 28 январида “**Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”² Ўзбекистон Республикаси президентининг Фармони қабул қилинди ва ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги президент қарори қабул қилинди. Вазирлик:

ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни мувофиқлаштириш, халқаро молия институтлари (бошқарув офислари) ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек ташқи савдо ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегияси ва Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 01.08.2018 йил ПФ-5495 сон фармони

² Ўзбекистон Республикаси президентининг “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сон Фармони

иқтисодий ривожлантириш концепцияси асосида **ҳудудлар ва тармоқларнинг ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;**

мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда **экспортни қўллаб-қувватлаш стратегиясини**, шу жумладан уни рағбатлантирувчи инструментларни **ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;**

халқаро ва хорижий ҳукумат молия институтларининг жалб қилинадиган **кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситалари** (грантлари)дан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан марказлашган инвестициялардан **самарали фойдаланиш** бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Давлат ветеринария қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика марказининг **ички ва ташқи бозорлардаги савдо фаолиятига таъсир қилувчи чораларни қўллаш** қисми бўйича ҳаракатларини қонунчиликда белгиланган тартибда мувофиқлаштиради.

Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурлари, шу жумладан тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини мувофиқлаштириш, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан икки томонлама ва кўп томонлама форматда **ўзаро самарали ҳамкорликни амалга ошириш**;

давлат органлари ва ташкилотларининг, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамда хорижий молия ва иқтисодий институтлардаги доимий вакилларининг, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида ташқи иқтисодий фаолият масалалари билан шуғулланувчи ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий ҳамкорлик масалалари борасидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, келишиш ва имзолашда иштирок этиш;

инвесторлар билан доимий қайта алоқани йўлга қўйиш, инвестицияларни жалб қилишда ҳудудлар ва маҳаллий компанияларга кўмаклашиш, инвестиция таклифларини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш;

ташқи савдо соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, **Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг** самарали ишлашига кўмаклашиш ва таъминлаш, ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

савдода тариф ва нотариф тартибга солиш чораларини қўллаш ҳамда электрон тижорат тартиб-таомилларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва бошқа кўп томонлама иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш **жараёнларини мувофиқлаштириш**;

улгуржи ва биржа савдоларини тартибга солиш масалаларини мувофиқлаштириш, бозор ҳолатини мониторинг ва таҳлил қилиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва товарлар нархлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан транзит салоҳияти даражасини ошириш, логистика ва транспорт йўлакларини такомиллаштириш, шунингдек экспорт маршрутларини диверсификация қилиш масалаларини илгари суриш.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20 март кунини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

2018 йилда жаҳонда инвестиция оқими 19 фоизга камайган. Кейинги йилларда бутун дунёда хорижий инвестициялар жалб этиш тобора мураккаб кечмоқда. Шу боис, жалб этилган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, бу борада жадал ва тизимли иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Янги тузилган Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ишларини жадаллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Чет эл сармояларини жалб этиш учун хорижий давлатларда тақдимотлар – роуд-шоулар ўтказиш зарурлиги айтилди.

Бу йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, марказлашган маблағлар ҳисобидан 3 мингга яқин объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Президентимиз молиялаштириш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни тезроқ яқунлаб, қурилиш ишларини қисқа муддатларда бошлаш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Бундай дастурларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш мақсадида лойиҳа институтларини бошқаришга хорижий тажрибани кенг жорий этиш кераклиги қайд этилди.

Президентимиз вазирлик ва идоралар раҳбарларига ўзларига бириктирилган ҳудудларга чиқиб, у ерда амалга оширилаётган лойиҳаларни жадаллаштириш, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун инвесторларни ҳудудларга, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналарга жалб этиш бўйича топшириқлар берди.

Халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштириш ҳолатига эътибор қаратилар экан, бу борадаги йиллик режани бажаришда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Соғлиқни сақлаш, Сув хўжалиги вазирликларида қолоқлик мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Баъзи жойларда зарур инфратузилма йўқлиги инвестициялар жалб этишга тўсиқ бўлаётгани, лойиҳалар учун ер ажратиш, электр энергияси, газ, сув ва канализация тармоқларига уланишда муаммолар борлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Иқтисодиёт ва саноат, Инвестиция ва ташқи савдо вазирликларига ҳудудларнинг инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Барча топшириқлар ижросини таъминлаш ва муаммоларни бартараф этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида **“Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди³.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг қуйидагилар орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини фаоллаштириш тўғрисидаги таклифи маъқулланди:

кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар, банк-суғурта ташкилотлари устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёр инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш;

инвестиция ва бизнес форумлар, тақдимотлар («Роад Шоу») ва маркетинг кампаниялари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор йўналишларни ташкил этиш.

2019 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.⁴

Ушбу Қонуннинг мақсади чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Концессия фаолияти, маҳсулот тақсимотида оид битимлар тузиш, уларни бажариш ва бекор қилиш, инвестиция, пай ва венчур фондлари, капитал бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш, давлат-хусусий шериклик, махсус иқтисодий зоналар соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

Ушбу Қонун марказлаштирилган инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 4 майдаги ПҚ-4308-сон қарорини ижро этиш юзасидан, шунингдек, йирик корхоналар, инвестиция фондлари ва молия институтлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикасига Хитой Халқ Республикасидан (кейинги ўринларда ХХР деб аталади) жалб этиладиган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмларини кўпайтириш, ХХР бозорига маҳаллий товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини ошириш ва таркибини диверсификация қилиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, икки мамлакат тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг истиқболлари тўғрисида ХХРнинг истиқболли инвесторларини мунтазам хабардор қилиш мақсадида “Ўзбекистон республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Хитой халқ республикасидаги ваколатхонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни Тошкент ш., 2019 йил 25 декабрь, ЎРҚ-598-сон

⁵ “Ўзбекистон республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Хитой халқ республикасидаги ваколатхонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1041-сон қарори Тошкент ш., 2019 йил 26 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Хитой Халқ Республикасидаги ваколатхонасининг тузилмаси⁶



Ваколатхона Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ҳисобот беради ва ўз фаолиятини вазирнинг умумий раҳбарлиги остида амалга оширади;

Ваколатхонага Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Ваколатхона директори ўз даражаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг ХХРдаги элчихонаси маслаҳатчиси лавозимига тенглаштирилади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширади;

Ваколатхона Ўзбекистон Республикасининг ХХРдаги хорижий ташкилотларига республикага инвестицияларни, асосан тўғридан-тўғри инвестицияларни, молиявий-техник кўмак маблағларини ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товарлари экспортини рағбатлантиришда, шунингдек, туристлар оқимини жалб қилиш масалаларида ҳар томонлама кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ahmed M.A. Pakistan: withertaxreforms– the case of large tax payers’ unit, Islamabad // Journal of Tax Reform.2018. Vol. 4, No. 3. P. 202–222.
2. Grob P. Tax governance and justifi ed rust [online] // Taxationin Australia.2017. Vol. 52, No. 5. P. 261–265.
3. Akhand Z. Understanding the effects of coerciveand persuasive tax compliance tools on large corporate tax payers[online] // Journ alofAustralianTaxation. 2014. Vol. 16, No. 2.P. 206–258.
4. Пепеляев С. Структура налоговойслужбы: время исправлять ситуацию // Экономика и жизнь. 2004.№ 12.
5. Пепеляев С.Г. Актуальные проблемы законодательства и правоприменительной практики налоговогоадминистрирования крупнейших налогоплательщиков // Правовые проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. М.: ВолтерсКлувер, 2006.
6. Каратаев А.С., Каратаева Е.Г. Теорияналогового контроля и ее обусловленность особенностями налоговогоадминистрирования крупнейших налогоплательщиков // Экономическиенауки. 2010. № 69. С.153–156.
7. Каратаев А.С. Налоговая политикагосударства в отношении крупнейших налогоплательщиков // Инновационное развитие экономики. 2011.№ 2. С. 23–32.
8. Айтхожина Г.С. Особенности планирования выездных налоговых проверок крупнейших налогоплательщиков // Вестник Омского университета. Серия: Экономика. 2011. № 1.С. 190–192.
9. Белугина М.В. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков: проблемы, пути совершенствования // Инновационноеразвитие экономики. 2015. № 5 (29).С. 27–30.
10. Струкова Л.А. Проблемы налоговогоадминистрирования крупнейших налогоплательщиков // Actualscience.2016. Т. 2, №. 11. С. 269–271.

⁶ “Ўзбекистон республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Хитой халқ республикасидаги ваколатхонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорининг 1-иловасига мувофиқ;

11. Гончаренко Л.И., Вишневская Н.Г. Налоговый контроль применения трансфертных цен крупнейшими налогоплательщиками: актуальны ли изменения правил? // Экономика. Налоги. Право. 2015. № 2. С. 112–119.
12. Новосёлов К.В. Консолидированные группы налогоплательщиков. Кто они? // Налоговая политика и практика. 2012. № 1. С. 34–39.
13. Королева Л.П. Роль консолидированной группы налогоплательщиков в обеспечении инновационного прорыва: быть или не быть // Journal of Tax Reform. 2015. Т. 1, №. 2-3. С. 177–193.
14. Ильин В. А., Поварова А. И. Недостатки налогового администрирования крупного бизнеса и их влияние на региональные бюджеты // Экономика региона. 2017. Т. 13. Вып. 1. С. 25–37.
15. Тошматов Ш.А, Маматраемов Б.О. Трансферт нархлари шакллантириш усуллари ва солик назоратини амалга ошириш хусусиятлари // Бюджет, солиқ ва пенсия тизимларида акселератор механизмларини такомиллаштириш. I республика молиячилар форумининг мақолалар тўплами/ Тошкент: БФА «Молия» нашриёти, 2019. 56-62 б.
16. Tashmuradova, V. Prof. (2020) "Key innovations in the mechanism of value added tax, features of application and some problems," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 14.
17. <https://lex.uz/docs/3802378> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони.